

АХБОРОТ АЛМАШИНУВИ ВА ТЕХНИК ВОСИТАЛАР БИЛАН ИШЛАШ

Косимов Ш, Азимов Р

Андижон давлат университети

Мўйдинова Д

Оқилова М (талаба)

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Хар қандай мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти ва ривожланишида қўп омилларни ҳисобга олишимиз керак. Улар қаторига таълим, халқ хўжалигининг турли соҳалари, ишлаб чиқариш, саноат корхоналар ва илмий тадқиқот ташкилотлар ўртасида мулоқот, хорижий таълим муассасалари билан алоқалар сингариларга устувор берилгани катта фойда беради.

Жамиятнинг изчил ривожланиши, равнақи биринчи навбатда тарбияланадиган ёш мавжудлиги, фикрлаш тартиби, янгиликка интилиши жуда муҳимдир.


Юқорида келтирилган натижаларга эришишда қуйидаги ишлар бажарилиши керак:

- мактабда ўқитиладиган фанларни ўргатишда ахборот алмашинувини тўғри ташкил этиш,
- ўқувчилар томонидан олинган билимларни қўшимча электрон шаклдаги маълумотлар билан бойитиш,
- таълим жараенига замонавий ахборот технологиялари техник воситаларни кенг қўламда қўллаш, уларнинг имкониятидан фойдаланиш,
- фанларни ўқитиш тилига қўшимча бошқа жаҳон тилларда нашр этилган ўқув адабиётлардан фойдаланиш,
- мавзуларни мустақил ўрганиш учун ўқувчиларда техник воситалардан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш эришилади.

Таълим жараёнида тезкор ютуққа эришиш фикрдан биров четланиш лозим.

Чунки бунга эришишда қуйидагиларга эътибор беришимиз керак:

- ўқув жараени самарали бўлиши учун фан ўқитувчиларида янгича фикрлашни шакллантириш,
- ўқув манбалар ўтиладиган мавзуга мос равишда ўқувчига етказиб берилиши керак,
- дарсдан кейинги вақтда ўтилган мавзуларни ўқувчиларга қўшимча равишда янги манбалар орқали тушунтириш,
- ўқувчиларга мустақил ўрганиш учун мавзуларни бериш ва унинг бажарилиши назорат қилиш,
- фан бўйича янги адабиётлар билан таъминотига жиддий эътибор қаратиш,
- ўқувчиларда ижобий фикрлашга доимо ундаш ва бунинг учун зарур руҳий ҳолатни шакллантиришимиз керак.



1-расм. АТ техник воситалар имкониятлари

Маълумот билан ишлашда ахборот технологиялари воситаларидан компьютер тармоқдан фойдаланиш, ўқувчиларга унинг ишлаши учун зарурий талаблари ва бир вақтда фойдаланувчилар учун белгиланган зарурий билим

даражаси, ушбу техник воситалар билан ишлашни персонал аъзоларини доимий ўргатиш керак.

Аниқ фанларни ўрганиш ва уларнинг таҳлили оли боришда эса ахборот технологиялари воситалари муҳим. Физика ва математика фандаги материаллар орқали техник воситаларнинг ишлаши жараенини тушунтирса бўлади. Хорижий тиллар маълумоти ёрдамида эса сўзларнинг мазмуни ва маъносини тезда ва тўғри англаш имкони беради.

Хулоса шуки, ўқув жараенини ташкил этишда ахборот технологиялари имкониятидан фойдаланиш ўринли, лекин буни ўқитувчининг фаолиятига ҳалақит бермайдиган шаклда қўллаш керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Кирйигитов Б., Абдуганиев М. Интернет-протокол (IP) является основным протоколом на сетевом уровне модели OSI /Образовательный процесс.-Выпуск №6. – 2018. -32-36 стр.

2. Кирйигитов Б. Creation of educational and methodological support for the development of creative imagination of students in computer science in higher education/Образовательный процесс.-Выпуск №6. – 2018. -28-31 стр.

3. Кирйигитов Б., Абдуганиев М. The urgency of using information technologies in the system of technical and vocational education /Образовательный процесс.-Выпуск №6. – 2018. -15-18 стр.

4. Кирйигитов Б., Қосимов Ш., Хакимов У. Программные средства перевода (на примере перевода с русского на иностранный язык) /Вопросы науки и образования. 2020.-№7. С.11-16.